Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 169 (3670)
27 ПАЙШАНБА ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. Худойбердиевнинг «КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг чорвачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг иши ҳақида» ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат С. Мамарасуловнинг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари ва Ўзбекистон ССРнинг Ўрмон кодекси лойиҳаси тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессиясида қилган докладлари эълон қилинган.

● СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов 26 июлда Покистон Федерал ҳукуматининг бош министри, молия, планлаштириш ва вилоятлараро координация министри Ғулом Исҳоқ Хонни қабул қилди ва у билан Совет— Покистон иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш масалалари бўйича суҳбатлашди.

ЯХШИ СИФАТ БИЛАН

БУГУН

Юнусобод массивидаги СБ—1 кварталида 4-қурилиш трестининг 38-бошқармаси коллективи 48 квартирали тўрт қаватли бинони фойдаланишга топширди. Турғун Раҳимов бошчилик қилаётган комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси қурилиш ишларини муддатидан илгари адо этди. Ана шу трестнинг 43-бошқармаси коллективи эса пардозлаш ишларини бажарди.

Бошқарманинг бош инженери В. В. Шевченко давлат комиссияси янги уй-жой биносини яхши баҳолар билан қабул қилиб олганлигини маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 июль куни Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 7 сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар **И. Г. Анисимкин, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов**, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири **Б. М. Истомин**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳукумат топшириғидан жой оладилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди.

Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар **З. Исроилова (Зулфия), П. Холмуротов** раис столи ёнида ўтирадилар.

Депутатлар сессиянинг қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқладилар:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоларини сайлаш тўғрисида;

2. КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг чорвачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг иши ҳақида;

3. Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш тадбирлари ҳақида ва Ўзбекистон ССРнинг ўрмон кодекси лойиҳаси тўғрисида;

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияларининг иши тўғрисида;

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Ш. Р. Рашидов** сўзга чиқди. У ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 17 депутатдан иборат эканлигини айтди. Республиканинг янги Конституциясига мувофиқ Олий Совет Президиуми 21 депутатдан иборат бўлиши керак. Шу сабабли Президиум составига қўшимча равишда 4 депутат сайлаш зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сессия кўриб чиқиши учун депутатлардан Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Н. М. Маҳмудовани**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Э. Ғ. Ғафуржоновни**, ёзувчи **Р. Отақўзиев (Ўйғун)**ни, «Ташсельмаш» заводининг ишчиси **М. Мўйдинови**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисидаги таклифни киритади.

Олий Совет депутатлардан **Н. М. Маҳмудова, Э. Ғ. Ғафуржонов, Р. Отақўзиев (Ўйғун)** ва **М. Мўйдинови**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг республикада чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида халқ депутатлари Советларининг иши ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **М. Камолов** (89-Киров сайлов округи), **С. Гулматов** (106-Олмазор сайлов округи), **В. В. Кислов** (454-Темир йўл сайлов округи), **Н. Ҳикматов** (232-Шаҳрисабз кишлоқ сайлов округи), **И. У. Қўчқоров** (361-Сиодарё сайлов округи) қатнашдилар.

Танаффусдан кейин мажлисни Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова (Зулфия)** олиб борди.

Мажлисда сессия кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутат **М. Г. Хван** (84-Бордонкўл сайлов округи), Бухоро область ижроия комитетининг раиси **У. Асатов**, депутатлардан **Б. Омонов** (350-Узун сайлов округи), **Д. Ҳасанов** (150-Булоқбоши сайлов округи), **С. Ниёзметова** (434-Ҳазорасп сайлов округи), **И. Туропов** (297-Нагорная сайлов округи), **М. Исоқова** (96-Гулистон сайлов округи), **Ш. Аҳмедов** (391-Ултарма сайлов округи), **М. Қозоқова** (250-Шаҳанд сайлов округи), **М. Ҳ. Ҳасанов** (122-Хартум сайлов округи) иштирок этдилар.

Депутатлар муҳокама этилган масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилдилар.

* * *

Соат 15.00 да Олий Советнинг кечкурунги мажлиси бошланди. Мажлисни Олий Совет Раиси депутат **С. Х. Сирожиддинов** очди.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **С. Мамарасулов** «Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари ҳақида ва Ўзбекистон ССРнинг ўрмон кодекси лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди.

Ана шу масала юзасидан музокараларда депутат **О. Г. Гаруци** (221-Китоб сайлов округи), республика ўрмон хўжалиги министри **С. М. Тоҳров**, депутатлардан **С. Т. Тошқулов** (85-Паркент сайлов округи), **К. С. Зоиров** (404-Куйбишев сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қарорни ва Ўзбекистон ССРнинг ўрмон кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

Республика Олий Советининг табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси депутат **Т. Г. Зинин** ҳамда республика Олий Советининг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссиясининг раиси депутат **М. С. Сандов** сессия кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан ахборот бердилар.

Депутатлар республика Олий Совети доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

Сессияда республика Олий Советн Президиумининг Секретари депутат **Ҳ. М. Пўлатова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди. Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган фармонларни бир овоздан тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди. Олий Совет Ғ. Абдураҳмоновни республика олий ва ўрта махсус таълим министри вазифасидан озод қилди. **С. Пўлатов** Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри қилиб тайинланди.

Олий Совет доимий комиссиялар составида бир қанча ўзгартишларни амалга оширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайланганликлари муносабати билан депутат Н. М. Маҳмудова соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг раиси вазифасидан, депутат Э. Ғ. Ғафуржонов ёшлар ишлари комиссиясининг раиси вазифасидан, депутат М. Мўйдинов коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияси аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутат **И. И. Федоринов** ёшлар ишлари комиссиясининг раиси қилиб сайланди. И. И. Федоринов шу муносабат билан комиссия секретари вазифасидан озод қилинди. Ана шу комиссия аъзоси депутат **А. А. Мунавварова** ёшлар ишлари комиссиясининг секретари қилиб сайланди. Депутат **Ш. И. Сатимова** ёшлар ишлари комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди.

Депутат **М. В. Расулева** соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг раиси қилиб сайланди. У комиссия секретари вазифасидан озод этилди. Ана шу комиссиянинг аъзоси депутат **Т. С. Содиқов** соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг секретари қилиб сайланди. Депутат **О. Ҳамроева** соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг аъзоси этиб сайланди.

Депутат Л. Н. Мелкумов Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан у қонун пойиҳаларини тайёрлаш комиссияси раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди. Комиссия аъзоси, депутат **В. П. Куксенко** ана шу комиссия раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

1978 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ КВАРТАЛИДА ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети шаҳардаги районлар ва корхоналар ўртасидаги 1978 йилнинг иккинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг районлар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **Ленин районида** (район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Федоринов, район ижроия комитетининг раиси М. М. Қаҳҳоров, район комсомол комитетининг секретари Ш. Ҳ. Шукурова) қолдирилди. Бу район саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича квартал планини 103,2 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришди ва иккинчи квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **«Ташэлектромаш» заводи** коллективига (директори В. И. Береговский, партия ташкилотининг секретари Р. Д. Нефедова, касаба союз комитетининг раиси Ю. Н. Онищенко, комсомол комитетининг секретари В. Тихоненко) берилди. Бу корхона коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича иккинчи квартал планини 101,4 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 процент ўсишини таъминлади ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети енгил озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси**га (директори Г. Б. Адалев, партия ташкилотининг секретари Р. Х. Раҳимова, касаба союз комитетининг раиси М. М. Мирпўлатова, комсомол комитетининг секретари В. Г. Аванесова) берилди. Бу корхона коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 109,1 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 процент ўсишини таъминлади. Иккинчи квартал социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **39-автокорхона коллективига** (директори А. А. Пўлатов, партия ташкилотининг секретари Т. А. Неприна, касаба союз комитетининг раиси Х. Сардиев, комсомол ташкилотининг секретари В. Ч. Волобуев) берилди. Бу корхона коллективи юк ташиш бўйича квартал планини 108,8 процент, даромадлар бўйича квартал планини 106,3 процент бажарди, машиналарнинг линияларга план бўйича чиқарилишини таъминлади.

Шу нарса таъкидландики, шаҳар қурувчилари орасида капитал қурилиш бўйича иккинчи кварталда Ленин райони қурилиш-монтаж ташкилотлари энг яхши натижаларга эришдилар. Улар турар жойни фойдаланишга топшириш планини 174 процент, пудрат ишлари планини 101,1 процент, меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101 процент бажардилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой»** трестига (бошлиғи А. А. Кашипов, партия комитетининг секретари Т. Д. Жўраев, бирлашган касаба союз комитетининг раиси С. С. Сулаймонов, комсомол ташкилотининг секретари А. Грицина) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 103,8 процент, шу жумладан ўз кучлари билан 103,6 процент бажариб, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқнинг бажарилишини таъминладилар.

54 саноат корхонаси, қурилиш ва транспорт ташкилотлари номи шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

• *Шу куннинг интервьюси*

ТошДУ ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ АРАФАСИДА

Бир неча кун ўтгач минглаб ишчилар, колхозчилар, кечаги мактаб ўқувчилари олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топширадилар. Олий ўқув юртига кириш студентларни қабул қилиш бўйича қандай тайёргарлик ишлари ўтказилаяпти! Эртага студент бўладиган кишилар учун қандай шароитлар яратилди! Биз шундай саволлар билан Тошкент Давлат университетининг биринчи проректори Э. Н. Куценкога мурожаат қилдик.

— Химия ва биология, математика ва геология, филология ва тарих бўйича ўз билимини такомиллаштиришга қарор қилган кишилар учун масъулиятли дамлар бошланяпти... Яқинда кириш имтиҳонлари бошланади. Қабул комиссиясига ҳужжатлар топшириш давом этмоқда. Лекин ёшларни кўпроқ қайси мутахассисликлар қизиқтираётгани ҳозирданоқ аён бўлиб қолди: юридик, биология, тарих, шарқшунослик факультетларига ҳаммадан кўп ариза тушди. Табиийки, бу факультетларда конкурс ҳам юқори бўлади,— деди Элеонора Николаевна.— Бўлажак студентларимиз билан учрашувга ҳозирланиб, биз катта тайёргарлик ишларини амалга оширдик. Абитуриентларга ёрдам сифатида математика, инглиз тили бўйича кўлланмалар чоп этилди. Уларни университетимиздан, унинг факультетларидан сотиб олиш мумкин. Олимларимиз, студентларимиз республиканинг барча областларида ўқувчилар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказишди.

Бундан ташқари йил мобайнида амалий математика ва механика, математика, физика факультетларида мактаб ўқувчилари учун тўгараклар ташкил этилди. Уларнинг ишига бўлиб ўтган олимпиадаларда якун ясалди.

Студентлик курсисига муносиб кишиларни ўтказиш мақсадида биз жамоатчилик асосида қабул комиссиялари, консультация пунктлари ташкил этдик. Буларда комсомоллар ўқишга кирмоқчи бўлган ёшлар билан суҳбатлар ўтказишади, уларга ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Ётоқларда яшайдиган йигит ва қизлар билан катта ишлар қилиняпти. Улар учун халқаро аҳвол тўғрисида лекциялар ўқиляпти, консультация столлари ишлаб турибди, машғулотлар учун хоналар ажратиб берилган.

— Бу йил ТошДУга қанча студент қабул қилинади ва шу кунга қадар қанча ариза тушди!

— Таълимнинг ҳамма формаларига— кундузги, кечки, сиртқи бўлимларга 3 мингга яқин йигит ва қиз қабул қилинади. Бугунги кунда кундузги бўлимда 1850 ўринга 5 мингга яқин ариза тушди. Булардан 440 нафардан ортиғи мактабни олтин медаль билан тамомлаган ёшлар, 2331 нафари ишчи ёки ишчиларнинг фарзандлари, 1294 нафари колхозчи ёки колхозчиларнинг фарзандларидир.



— Афтидан, бунчалик кўп маълумотни қайта ишлаш учун электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдалансангиз керак!

— Ҳа, мана уч йилдирки бизда «Абитуриент» подсистемаси ишлаб турибди. Дастлаб биз ундан математика факультетида, ўтган йилдан барча табиий факультетларида, бу йилдан эса бутун университет миқёсида — 13 факультетнинг ҳаммасида фойдаланяпмиз. «Абитуриент» подсистемаси ҳар бир абитуриент ҳақида батафсил маълумот беради: унинг иш стажи, социал келиб чиқиши, аттестатининг ўртача балини айтиб беради. Бир сўз билан айтганда, тушаётган ахборотларни тезкорлик билан қайта ишлаш имконини беради. Худди шундай оператив маълумотларни у имтиҳон пайтида ҳам бериб туради. Абитуриент олий ўқув юртига кирганидан кейин эса «Студент» подсистемаси ишлай бошлайди.

— Университетда ўрта ўқув юртини «аълоз» ва «яхши» баҳолар билан тамомлаб, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатда камида 4,5 баллга эга бўлган ёшларни олий ўқув юртига қабул қилиш бўйича эксперимент жорий этиляптими!

— Ҳа, жорий этиляпти, фақат табиий факультетларда. Аттестатларида ўртача 4,5 ва ундан юқори баллга эга бўлган йигит ва қизлар белгиланган имтиҳонларнинг фақат биттасини топширишади. Агар бу имтиҳондан муваффақиятли ўтишса, олий ўқув юртига киришга номзод бўладилар.

Ҳозир университетда кириш имтиҳонларига сўнгги тайёргарлик ишлари кетяпти. Бу энг меҳнатсевар, интилувчан ёшларни аниқлаб беради. Яна икки йилдан кейин барқарор илмий мактаблари, эски анъаналари бўлган, 23 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаётган университетимиз ўзининг 60 йиллигини нишонлайди. Шу боисдан биз унинг ҳар бир талабаси мақсадга интилишда мард, билимларни эгаллашда қатъиятли, ижодий изланувчан бўлишини истаймиз. Тошкент Давлат университетини битириб кетган минглаб ана шундай йигит ва қизлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилишяпти.

— Университет ўтган йили қанча мутахассис тайёрлаб чиқарди!

—2,5 мингга яқин, шу жумладан кундузги бўлимдан 1480 нафар. Бу Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги олий ўқув юртларининг тўнғичи бўлган университетимизнинг 54-чиқаришидир. Унинг дергоҳидан ҳаётнинг катта йўлига кўплаб таниқли олимлар ва маданият ҳодимлари йўлланма олишган. Булар орасида атоқли ёзувчилар Ойбек, Мухтор Авезов, жаҳонга таниқли олимлар Т. Н. Қориниёзий, А. Н. Белозерский, С. Х. Сирожиддинов, О. С. Содиқов, С. Ю. Юнусов ва бошқалар бор. Университетда ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 15 академиги ва мухбир аъзоси, 70 дан ортиқ профессор ва фан доктори ишлаяпти.

1978 йилда университетимизни битириб, мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйганлар йўлланмаларини олишди, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишади. Факультетларда уларга дипломлар тантанали йўсинда топширилди. Уларнинг аудитория ва лабораториялардаги ўрнини студентларнинг янги авлоди эгаллайди.

Суҳбатни Н. ПАНЯКШИНА ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА: чапда — табиий фанлар факультетларига ҳужжатлар қабул қилинмоқда; юқорида—ҳисоблаш маркази сектор бошлиғи Р. Бакрушина ва инженер-математик Ф. Ҳикматова «Абитуриент —қабул комиссияси» подсистемасининг ишини кузатишяпти.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари йиллик планни тўла ва ошириб бажарди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг равишда олдириб маҳсулотни реализация қилиш 1978 йил январь— июль ойлари планини муддатидан илгари, 26 июль куни бажардилар.

Кўмир ва нефть қазиб олиш, прокат, трактор культиваторлари, пахта теласи, устки ва ички трикотаж, пайпоқ, кондитер маҳсулотлари, мол ёғи, сутга айлантириб ҳисоблаганда каймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юзасидан январь— июль ойлари планн ошириб бажарилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

Ҳамшаҳарлар, СИЗЛАР УЧУН

МАССИВ ЯҚИН БЎЛДИ

Шаҳримизнинг кенг магистраллари бўйлаб қатнаётган маршрут таксилар ҳар куни 50 мингга яқин йўловчининг узоғини яқин қилмоқда. Бу машиналар ҳозирда 20 та маршрут бўйлаб қатнамоқда.

БУГУН

янги очилган маршрут такси линияси Қорасув массивида истиқомат қилувчи аҳоли учун қулайлик бўлди. Машиналар шаҳар марказидан массивга қатнамоқда.

«САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-29»—«ПРОГРЕСС-2»

ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 июль (ТАСС). Космонавтлар Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг орбита бўйлаб олтинчи ҳафта учиш тугаляпти. «Салют—6» — «Союз—29» — «Прогресс—2» орбитал илмий тадқиқот комплекси экипажининг иш куни Москва вақти билан эрталаб соат 8 да бошланиб, соат 23 га қадар давом этади.

Бугун космонавтлар айрим борт системалари ва агрегатларни контроль текширувдан ўтказяптилар, аппаратларни қилинажак ишларга тайёрлаяптилар, ер юзи ва жаҳон океанини визуал кузатяптилар.

«Кристалл» установкасида ярим ўтказгич материаллар космик технологияси борасидаги навбатдаги эксперимент поёнига етказилди. Бу эксперимент газ фазасидан ҳажмий кристаллар олиш мақсадида ўтказилди. Кристалл структуралари найча деворларига тегмаган ҳолда шакллантирилди.

Дастлабки модданинг максимал қизиш температураси Цельсий ҳисоби билан 1100 градусга етди.

Медицина контроли маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Командирнинг томир уриши минутига 68 марта, борт инженерники 65 марта; артериал босим миқдори симоб устунининг 120/70 ва 125/70 миллиметрга баравар.

Орбитал комплекснинг учиш программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

Ҳамиша сўлим ва навқирон

Шаҳрим — фахрим

Мамлакатимиздан 50 йил муқаддам биринчи марта Москвада Горький номли маданият ва истироҳат боғи ташкил этилиб, у ўзининг сўлим боғи билан дам олувчиларни жуда кўп марта мамнун этган эди. Ана шундан бери Совет барча шаҳарларида Горький боғи сингари оромгоҳлар ташкил этиш одат тусига кириб кетди.

Биргина Тошкент шаҳрида ҳозирги пайтда 16 та маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди. Уларда ҳар куни юз минглаб кишилар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Фурсат номли маданият ва истироҳат боғида куни кеча бўлиб ўтган тематик кеча мамлакатимиз оромгоҳларининг 50 йиллигига бағишланди. Ана шу оромгоҳ 14 гектар майдондан иборат бўлиб, ўзининг соя-салқин дов-дарахтлари билан ҳаммага роҳат бахш этмоқда. Тематик кечада боғнинг кёкса боғбони Жўрз ака Мирзаев ана шу ерда 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилган ободонлаштириш ишлари, унинг чинакам ором масканига айлангани, ўтказилган жуда кўп тадбирлар ҳақида гапириб берди. Шундан кейин Чилонзор районидаги Глиэр номли маданият уйининг вокал-чолғу ансамбли концерт берди.

ЖАНГОВАР ПРОГРАММА АСОСИДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари, шуларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган доклади пойтахт саноат корхоналари коллективлари учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш, шаҳар ва саноат марказининг қишлоқ меҳнат аҳлига ёрдамининг турли формаларини янада кенгайтириш бошлангич партия ташкилотларининг жонажон ишидир. Махсус мухбиримиз Тошкент трактор заводи партия комитети секретарининг ўринбосари Николай Георгиевич Белозеровдан ана шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленумида қилган докладида ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шаҳар саноат корхоналари коллективлари бошлангич партия ташкилотлари олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш борасида кўпгина шаҳарлар қаторида Тошкент партия ташкилотининг ташаббуси ва иш тажрибасини бошқа шаҳарлар ва саноат марказларининг партия комитетлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Бизнинг корхонамиз қишлоқ меҳнаткашлари учун энг зарур бўлган агрегат ва эҳтиёт қисмлар тайёрлайди. Шунинг учун ҳам корхона партия комитети партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ва ҳужжатларини, унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини пухта ва чуқур ўрганишни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйди.

Корхонамизнинг барча цехларида пленум материалларига бағишлаб йиғилишлар ўтказилди. Уларда меҳнат коллективларининг вакиллари сўзга чиқишиб. Пленум қарорларини тўла-тўкис ва қизғин маъқуллаганликлари ҳамда қўлга киритилган ютуқларни ишончи билан мустаҳкамлаш ва оширишга сафарбар этмоқда. Ҳудди ана шу жойда ҳар бир коммунист бутун завод, райони, шаҳарнинг меҳнат жўшқинлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, унумдорликни кўтариш, сифатни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ўз ҳиссасини қўшиши керак.

БУНДАН БУЁН ҲАМ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ТРАКТОРЛАР, ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ, КОМБАЙНЛАР ВА БОШҚА ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ.

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумида қилган докладидан).

Ҳозирги кунда цех партия ташкилотлари ишчанлиги ва жанговарлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир, албатта. Чунки, ана шу жойларда бевосита қарорлар амалга оширилади. Цех партия ташкилоти коммунистлар авангардлигига таянib, бошқа жамоат ташкилотларини кўмагида бутун коллективни ўзининг беш йиллик режаларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этмоқда. Худди ана шу жойда ҳар бир коммунист бутун завод, цех, шаҳарнинг меҳнат жўшқинлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, унумдорликни кўтариш, сифатни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Ҳозирги кунда цех партия ташкилотлари ишчанлиги ва жанговарлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир, албатта. Чунки, ана шу жойларда бевосита қарорлар амалга оширилади. Цех партия ташкилоти коммунистлар авангардлигига таянib, бошқа жамоат ташкилотларини кўмагида бутун коллективни ўзининг беш йиллик режаларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этмоқда. Худди ана шу жойда ҳар бир коммунист бутун завод, цех, шаҳарнинг меҳнат жўшқинлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, унумдорликни кўтариш, сифатни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ўз ҳиссасини қўшиши керак.

— **Ишнинг муваффақияти асосан цех партия ташкилотларида ҳал этилади. Июль Пленуми қарорлари асосида цех партия ташкилотларининг ишчанлигини ва ташаббускорлигини ошириш йўлида нималар қилинияпти?**

— Партия комитетининг жанговарлиги энг аввало цех партия ташкилотлари ишчанлиги ва жанговарлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир, албатта. Чунки, ана шу жойларда бевосита қарорлар амалга оширилади. Цех партия ташкилоти коммунистлар авангардлигига таянib, бошқа жамоат ташкилотларини кўмагида бутун коллективни ўзининг беш йиллик режаларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этмоқда. Худди ана шу жойда ҳар бир коммунист бутун завод, цех, шаҳарнинг меҳнат жўшқинлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, унумдорликни кўтариш, сифатни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Ҳозирги кунда

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ҲАМИДОВ: Яқинда Совет Армияси сафидан қайтиб келдим. Келгусида ўймакор бўлиш орзум бор. Шаҳримизда ана шу касбни ўргатадиган билим юрти борми?

Жавоб: Сиз касб ўрганмоқчи бўлган билим юртларидан шаҳримизда иккита. Бири 53-ҳунар билим юрти ҳисобланиб, Чилонзор массивининг 12-кварталида, иккинчиси 84-билим юрти бўлиб бу Ҳамза районидаги Слоним кўчаси, 113-уйда жойлашган. Бу билим юртларида гул солиш каби гўзал ҳунар соҳиби бўлиб етишингиз мумкин.

* * *

Х. БОБОҚУЛОВ: Мен телевизор, радио усталари тайёрлайдиган бирор билим юртига кириб ўқимоқчи эдим. Шу касбни қаерда ўргансам бўлади?

Жавоб: Физкультурний кўчаси, 8-уйда 11-ҳунар-техника билим юрти жойлашган бўлиб, бу Тўқимачилик комбинати ёнида-дир. Яна шундай, 46-ҳунар-техника билим юрти эса Госпиталь бозори ёнига жойлашган. Бу ерларда ўзингиз истаган ҳунарни эгаллайсиз.

* * *

Д. ҲУСАНОВ: Ҳовлимизда икки туп катта олма дарахти бор. Ҳосили жуда яхши. Лекин олмани шира босиб, соясида ўтиришга имкон бўлмаяпти. Хўш, шаҳримизда дарахтларга дори пуркайдиган бирор станция борми?

Жавоб: Олдингари хонадонлардаги дарахтларни дориламоқчи бўлган билим юртларидан шаҳримизда иккита. Бири 53-ҳунар билим юрти ҳисобланиб, Чилонзор массивининг 12-кварталида, иккинчиси 84-билим юрти бўлиб бу Ҳамза районидаги Слоним кўчаси, 113-уйда жойлашган. Бу билим юртларида гул солиш каби гўзал ҳунар соҳиби бўлиб етишингиз мумкин.

* * *

Х. БОБОҚУЛОВ: Мен телевизор, радио усталари тайёрлайдиган бирор билим юртига кириб ўқимоқчи эдим. Шу касбни қаерда ўргансам бўлади?

Жавоб: Физкультурний кўчаси, 8-уйда 11-ҳунар-техника билим юрти жойлашган бўлиб, бу Тўқимачилик комбинати ёнида-дир. Яна шундай, 46-ҳунар-техника билим юрти эса Госпиталь бозори ёнига жойлашган. Бу ерларда ўзингиз истаган ҳунарни эгаллайсиз.

* * *

Д. ҲУСАНОВ: Ҳовлимизда икки туп катта олма дарахти бор. Ҳосили жуда яхши. Лекин олмани шира босиб, соясида ўтиришга имкон бўлмаяпти. Хўш, шаҳримизда дарахтларга дори пуркайдиган бирор станция борми?

Жавоб: Олдингари хонадонлардаги дарахтларни дориламоқчи бўлган билим юртларидан шаҳримизда иккита. Бири 53-ҳунар билим юрти ҳисобланиб, Чилонзор массивининг 12-кварталида, иккинчиси 84-билим юрти бўлиб бу Ҳамза районидаги Слоним кўчаси, 113-уйда жойлашган. Бу билим юртларида гул солиш каби гўзал ҳунар соҳиби бўлиб етишингиз мумкин.

* * *

Х. БОБОҚУЛОВ: Мен телевизор, радио усталари тайёрлайдиган бирор билим юртига кириб ўқимоқчи эдим. Шу касбни қаерда ўргансам бўлади?

Жавоб: Физкультурний кўчаси, 8-уйда 11-ҳунар-техника билим юрти жойлашган бўлиб, бу Тўқимачилик комбинати ёнида-дир. Яна шундай, 46-ҳунар-техника билим юрти эса Госпиталь бозори ёнига жойлашган. Бу ерларда ўзингиз истаган ҳунарни эгаллайсиз.

* * *

Д. ҲУСАНОВ: Ҳовлимизда икки туп катта олма дарахти бор. Ҳосили жуда яхши. Лекин олмани шира босиб, соясида ўтиришга имкон бўлмаяпти. Хўш, шаҳримизда дарахтларга дори пуркайдиган бирор станция борми?

Жавоб: Олдингари хонадонлардаги дарахтларни дориламоқчи бўлган билим юртларидан шаҳримизда иккита. Бири 53-ҳунар билим юрти ҳисобланиб, Чилонзор массивининг 12-кварталида, иккинчиси 84-билим юрти бўлиб бу Ҳамза районидаги Слоним кўчаси, 113-уйда жойлашган. Бу билим юртларида гул солиш каби гўзал ҳунар соҳиби бўлиб етишингиз мумкин.

* * *

Қ. САЛИМОВ: Яқинда «Кама» маркали велосипед олган эдим. Шу велосипедимнинг камераси ва покришкаси тезгина қолди. Янги камера ва покришкаларни шаҳримиздаги қайси магазиндан ҳарид қилиш мумкин.

Жавоб: Сиз бунинг учун Усмон Юсупов кўчасига жойлашган шаҳримиздаги энг йирик мотоцикл ва велосипедлар билан савдо қиладиган магазинга, шунингдек Мукимий кўчасига жойлашган спорт магазинига ва фаоҳод ярмаркаси-даги магазинларга боринг. Бу ердан истаган камера ва покришкаларни сотиб олишингиз мумкин.

* * *

А. БУРҲОНОВ: Янги ишим сотиб олган эдим. Материали яхши-юраги ёмай қолди. Шуни бошқа рангга бўятмоқчи эдим. Бунинг қаерда бажариб беришади?

Жавоб: Бунинг учун Западная кўчаси 1-уйга жойлашган «Химчистка» фабрикасига ва ўзингиз яшаб турган Студентлар шаҳарчаси яқинидаги Шифокорлар массивидаги янги ҳимчистка пунктига учрашинг.

КУЧА ТАСОДИФЛАРИ ГАИ ХАБОРОТИ

Иш кунининг охирида ЕРАЗ-762 маркали 21-14 ТНМ номерли машинанинг ҳайдовчиси Ҳамидулла Расулев гаражга қайтиш билан машина рулини автомобилга бириктирилган Сатор Шокировга топширди. Шокиров машинани Коробов кўчасида ҳайдаб бораётиб 8 ёшли Дилмурод Ўринбоевни уриб кетди. Тажрибасиз ҳайдовчи машина тезлигини камайтиролмади ёки уни тўхтатолмади. Жароҳатланган бола 10-касалхонага ётқизилди.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун иккала ҳайдовчи тўғрисидаги материаллар Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссияси-га юборилди.



Яқинда Пушкин кўчасида 130 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Бинонинг биринчи қаватида 168 квадрат метрга жойлашган, фақат тайёр дорилар билан савдо қиладиган 108-дорихона аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

СУРАТДА: дорихонанинг ички кўриниши.

Н. Шонноғомов фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Шифокор қабулида

ЁЗДА ҲАМ ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНИНГ

Мен ёзда, саратон кунларида бирдан шамоллаб қолдим. Қизиқ, шундай иссиқда ҳам одам шамоллайдими? Бунга нималар сабаб бўлади? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

Ҳомид ҲАЛИМОВ,
Тошкент политехника институти студенти.

Ёз ниҳоятда иссиқ келди. Ҳайдар ҳам яқиндагина армия хизматидан келиб, ҳовлисида ёр-дўстлари билан уй қурарди. Жазирама иссиқ уни қийнарди. Бундай пайтларда жиққа терлаган ҳолатда у муздек, роҳатбахш Бўзсувга шўнғиб ором оларди. Ҳавонинг иссиқ бўлганидан иштаҳаси бўғилиб, овқатланиши тузук бўлмасди. Мана, уй ҳам битиб қолди. Лекин у ўзини тез чарчайдиган, томоғи қичиб, овози хириллаб йўталадиган, кечқурунлари иссиғи кўтариладиган бўлиб қолганини сеза бошлади. «Ҳа, шамоллагандирман, бу дард ҳам ўтиб кетар», деб ишини давом эттираверди. Ниҳоят саломатлигининг кундан-кунга оғирлашиб бориши уни врачга мурожаат қилишга мажбур қилди. Унинг ўпкаси шамоллаган экан...

Хўш, одам саратонда ҳам шамоллайдими? Ҳа, олимларнинг аниқлашича, ўпканинг шамоллаш касаллигининг йил мавсумларига бўлганда, у ёзда ўн олти процентни ташкил қилар экан.

Маълумки, республикамизда саратон кунлари ҳарорат 40 ва ундан ортиқ даражага кўтарилиши мумкин. Аммо соғ кишиларнинг гавда иссиқлиги ташқи муҳитнинг иссиқ-совуқлигига қатъий назар, 36 дан 37 даражагача бўлиб тураверади. Агар у 36 дан пасайса ёки 37 ва ундан ошса, киши дарҳол ўзида хасталик аломатларини сеза бошлайди.

Олимда одамдан бошқа ўз гавда иссиқлигини бир хил кўрсаткичда доимо сақлаб тура оладиган мавжудот жуда кам. Бунинг сири ҳақида кўп фаразлар бор. Лекин шу нарса маълум бўлдики, миянинг гипоталамус қисмига иссиқликни бошқарувчи марказ жойлашган экан. Бу марказ мураккаб тузилган бўлиб, у нерв системаси орқали терн томирларига, тер безларига, нафас олишга ва иссиқлик алмашинувида қатнашувчи бошқа аъзоларга таъсир қилиб, гавданинг муайян иссиқлигини сақлаб туради. Иссиқ кунларда бадан иссиқлигининг доимийлигини сақлаш учун бу марказ теридаги қон томирларини кенгайтириб, иссиқликни ташқарига кўпроқ чиқаришиб, терн безларини жадалроқ ишлатиб, кўпроқ тер ҳосил қилиб гавдани совитади. Чунки бўғланиш бўлган ерда совиш бўлади. Натижада иссиқлик ташқи муҳитга кўпроқ чиқади ва одам ўзида пайдо бўладиган энергиядан ҳавонинг иссиқ кунларида кўпроқ фойдаланади. Салқин кунларда бир кеча-кундузда 500—1000 миллилитр сув, 2 грамм ош тузи ва бошқа тузлар тер орқали чиқиб кетади. Тер безлари трубачасимон бўлиб тузилган ва без эпителийси номли ҳужайралар билан қопланган. Агар бу безлар текис қилиб ёйилса, одам териси юзасидан 500 марта кўпроқ майдонни қоплайди. Бунчалик кўп безлар керак бўлганда қаттиқ ишлаб организмдаги ортиқча иссиқликни ташқи муҳитга чиқаради ва уни қизиб кетишдан сақлайди. Бундай пайтда терлаш одатдагидан бир неча марта ортади. Натижада одам организмидан кўплаб сув ва тузлар чиқиб кетади. Керакли чоралар кўрилмаса, иссиқ уришши (дам олиши) юзага келади. Бунда аввал қучли ҳансираш, юрак уришининг тезлашиши, сўнг, қусиш, талваса тутиши, ҳушни йўқотиш содир бўлади. Гавданинг ҳарорат даражаси 42—43 га кўтарилади. Иссиқ уришни кўпинча жазирама кунда оғир жисмоний иш билан қаттиқ шуғулланганда пайдо бўлади. Иссиқ урган кишига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, жиддий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳайдаралига келсак, у саратон кунларида қуёш остида қаттиқ жисмоний меҳнат билан банд бўлган, қизиб кетган пайтларида бир кун ичида бир неча марта муздек Бўзсувда ўзини совутган, чайқоқни босиш учун холодильникдан муздек сувдан кўп ичган, вақтида овқатланмаган. Шу сабабларга кўра унинг организмининг касалликларга қарши курашиш қобилияти пасайган, қон ва лимфа айланиши сусайган, буларнинг ҳаммаси ўз навбатида нафас йўлларида доим бўлувчи, лекин бирқувват организмга зиён етказишга кучи етмайдиган турли микроорганизмларнинг зарарли фаолиятини кучайишига олиб келган. Чунки, жисмоний чиқмаган кишиларнинг иссиқликни бошқарувчи маркази терига таъсир қилувчи намлик, шамол, ташқи муҳит ҳароратининг тез ўзгаришига, яъни пайдо бўладиган янги шароитларга ўз вақтида мослашқ олмай қолади.

Аввал айтиб ўтганимиздек, иссиқ ҳаво таъсирида тери ва нафас йўлларининг қон томирлари кенгайиб, гавда иссиқликни ташқарига кўпроқ чиқаради. Шу пайтда киши бирдан совуқ сувга тушганда кенгайган қон томирлари бирдан ва кескин торайди, чунки иссиқлик гавда ҳароратидан 10—20, ҳатто ундан ҳам кам бўладиган сувга тери орқали тўғридан-тўғри жуда тез ўта бошлайди, натижада организм кескин совийди.

Жазирама кунларда совуқ сувда кўп чўмилиш, айниқса нафас аъзоларида сурункали касалликлари (ринит, синусит, тонзиллит, фарингит) бор кишилар ва ашаддий қашандалар учун ҳавфлидир. Бу билан, фақат чўмилиш орқали кишн саратон кунларни шамоллаш касаллигига учрайди, демоқчи эмасмиз, чунки одам организми жуда мураккаб тузилган, баъзан одам бир пиёла совуқ сув ичганда, вентилятор олддида бир оз ўтирганда ҳам нафас йўлларини касаллантириб қўйиши мумкин. Кишининг касал бўлиш-бўлмаслиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Бу ерда ҳаммага таниш гаплар: кун тартибига риоя қилиш, вақтида ишлаб, вақтида дам олиш, сифатли овқатланиш мумкин қадар кўпроқ серҳаракат бўлиш, баданни чиниқтириш ва бошқалар катта аҳамиятга эга.

Саратоннинг жазирама кунларида жисмоний меҳнат қиладиган кишилар учун айрон ва чалонни истеъмол қилишларини тавсия киламиз. Айрон қайнатилган ва совутилган сув ва тузни таъбга қараб қатиққа қўшиш билан тайёрланади. Чалоп эса 1,5 коса қатиққа 2 литр сув, 2 дона бодринг, бир бог редиска, ярим бог кўк пиёз, кашнич, укроп ва бир шохча райҳон майда қилиб тўғраб қўшиш билан тайёрланади.

Чўмилишга келганимизда, ўз организмини чиниқтирмаган кишилар, сув бўйида тер қуригунча ўтириб, сўнг юз-қўлларини ювиб, кейинчалик аста-секинлик билан сувга тушиб чўмилганлари маъқул.

Саратон кунларида терлаб-пишиб турибмузлек ичимликлар ичиш, вентилятор қаршисида ўтириш, бирдан совуқ сув қўйиб чўмилиш, салқин хоналарда ерда ётиб қолиш ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан киши қаттиқ шамоллаб қолиши мумкин.

Алижон АМИНОВ,
медицина фанлари кандидати.

Сўраган экансиз...

Газетхон саволларига жавоб

Ш. УЛУҒЖОНОВ: Ҳурматли редакция! Бирор тасодиф туфайли бадан куйганда жароҳатланган кишига қандай биринчи медицина ёрдами кўрсатиш керак. Шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: Дастлаб баданнинг куйган сабабини дарҳол бартараф қилиш зарур. Кийим куяётган бўлса гавдага одеял ёки пальто ёпиб, баданга босиш керак. Борди-ю химиявий модалар куйдираётган бўлса уларни бадандан тезда ювиб ташлаш керак. Кислота билан ишқорлар жуда кўп сув қуйиб туриб ювилади.

Бадан куйишининг тўртта даражаси бор. Биринчи даражали куйишда тери қизаради, шишади, безиллаб туради. Баданда махсус шикастлар бўлмаса куйган жойга спирт, ароқ, одеколонда ёки тўқ бинафша ранг калий перманганат эритмасига дока ҳўллаб босиш ва боғлаб қўйиш тавсия этилади.

Иккинчи даражали куйишда баданда суюқлик билан тўла пуфакчалар хосил бўлади. Пуфакчаларни ўзингиз ёрманг, микроблар тушиб йиринг бойлаши мумкин. Бундай ҳолларда беморни касалхонага олиб бориш-дан олдин материал ёниб кўя қолган маъқул. Бу мақсадда индивидуал пакетдан фойдаланинг.

Учинчи ва тўртинчи даражали куйишларда терининг ўзигина эмас, балки ичкарироқдаги тўқималар ҳам куйиб баъзан кўмирга айланади ёки ғижиб қолади. Бундай ҳолларда дарҳол врач, фельдшер чақириш ёки беморни тезда касалхонага олиб бориш керак. Баданнинг куйган жойларига чанг, тупроқ, микроблар тушмаслиги учун стерил материал ёниб, симсмасдан боғлаш зарур.

* * *

Б. ШОРАҲМЕДОВ: Ичкиликнинг инсон организмига қони зиён эканлиги ҳаммамизга тушунарли. Мен бу ўринда ичкиликнинг инсоннинг фақат бир аъзосига — юрак-томир системасига зарарли таъсири ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Ичкилик қон томирларида айланиб юриб, уларнинг ўтказувчанлигини оширади. Бу эса юракда, жигарда, мияда, шунингдек, нерв ва мускул толаларида алмашинув процессларини бузади. Натижада юрак мускуллари ўзгаради, унинг қисқарувчанлик кобилияти сусаяди ва иш қобилияти пасаяди.

Ичкиликбозларнинг юрак-томир системаси одатдаги жисмоний нагрузкани ва асабий зўриқишни ҳар доим ҳам кўтара олмайди. Алкоголь билан ўткир заҳарланиш пайтида узунчоқ миядаги томир — ҳаракат маркази фалажланиши мумкин. Бунинг натижасида артериал босим бирдан тушиб кетади, юрак тўхтаб қолади ва бемор ҳалок бўлади.

Организмнинг алкоголь билан заҳарланиши одатда гипертония касаллигини зўрайтиради ва артериал босимнинг бирдан ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ичкиликбозликнинг ўзи бу касалликни пайдо қиладиган сабаблардан бири ҳисобланади.

Атеросклероз ва гипертония касаллиги билан оғриган одамларнинг алкоголли ичимликларни ичиши миокард инфарктн (юрак мускулларининг қисман ўлиши)ни пайдо қилиши мумкин. Бу касаллик ичкиликбозларда ичмайдиган одамлардагига қараганда олти марта кўп учрайди.

Ичкиликбозларда юракни ёг босади, бунда унинг мускули жуда ниммжон бўлиб қолади. у қайшиқликни йўқотади, ҳилвиллаб, суст бўлиб қолади. одатдаги вазифасини зўрга, уддалайди, бу эса бутун организмга жуда ёмон таъсир қилади.

Ичкилик таъсирида қон томирлар ҳам анча барвақт ишдан чиқиб қолади. Алкоголни узоқ вақт мобайнида мунтазам равишда ичиб турганда юрак декомпенсацияси ривожланади. бу қисқаришлар, шиш пайдо бўлишидан, жигарнинг катталашишидан билинади. шуниндек турли органлар томирлари склерози пайдо бўлади.

* * *

А. ХОЛМУҲАМЕДОВ: Мен газета сахифасида бир хасталик — меъданинг ўз ўрнидан пастга тушиш хасталиги, унинг сабаби ва давоси ҳақида бирор маълумот берилишини сўрайман.

Жавоб: Сиз ўз саволингизда сўраган хасталик медицинада гастроптоз деб аталади. Бу ҳомиладор аёлларда, озиб кетган кишиларда, узоқ вақт ўтириб ишлайдиган кишиларда учрайди. Гастроптозда корин бўшлигида оғирлик сезилади, қорин дам бўлиб, бемор ҳадеб кекираверади, кулоги шанғиллаб, бошн айланади. Қорин мушаклари бўшашиб, пастки қисми осилиб кетади. меъдада сув бордиги билинади. Бундай пайтларда беморга тез ҳазм бўладиган тўйимли овқат берилади. унинг вақтинча енгил ишга ўтиб ишлаши тавсия этилади, корин мушакларини мустаҳкамлаш учун массаж қилинади. Шунингдек шахсий гигиена ҳам унй даволашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу хасталикка чалинганлар санаторий ва курортларда даволанишлари мумкин.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ОММАВИЙ ҲАРАКАТ

ПРАГА. ПХР патент бюросининг директори Я. Зоманский ранслигида ЧССР пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ихтирочилик идоралари раҳбарлари кенгашининг 14-мажлиси бўлиб ўтди. Я. Зоманский ТАСС мухбирига бундай деди: фан-техника соҳасида социалистик мамлакатларнинг ижодий кучқудрати ҳақиқатан ҳам чексиздир. Я. Зомский бу мамлакатларда ҳар йили 60 минг-та янги техника ихтиролари жорий этилаётганлигини хабар берди. Бу эса бутун дунёда рўйхатга олинаётган ихтироларнинг учдан бир қисмини ташкил қилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда 6 миллиондан кўп рационализаторлик таклифлари ўртага қўйилмоқда. Бу таклифларнинг кўп қисми Совет Иттифоқида илгари сурилмоқда. Социалистик меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштириш принципларига мувофиқ социалистик мамлакатлар ҳар йили фан-техника соҳасида 3 минтга яқин вазифани биргаликда ҳал қилмоқда.

БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

БУХАРЕСТ. Руминияда анъанавий бинокорлар куни нишонланди. Румин меҳнаткашлари бу байрамни яхши натижалар билан кутиб олдилар. Пил бошидан бери қарийб 270 та янги ишлаб чиқариш объектлари, жуда кўп уй-жой, маданий-маиший муассасалар бинолари фойдаланишга топширилди. Янги қурилишлар орасида, жумладан, Турченида республикада энг катта буғ электро станцияси, Питешти электро моторлар заводида мудда-тидан анча илгари ишга туширилган муҳим объектлар, Бухарест, Александрия, Тамишоара ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида янги уй-жой кварталлари бор.

ХУНТАДА АЖРАЛИШ РЎЙ БЕРДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Сантьягодан (Чили) олинган хабарларга қарағанда, Чили хунтасининг аъзоларидаи бири ҳарбий-ҳаво кучлари генерали Густаво Ли Гусман ўз лавозимларидан бўшатилган. Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, бу ҳол Чилидаги ҳукмрон доирада ва қуролли кучлар қўмондонлиги ўртасида рўй берган ажралиш чуқурлашиб бораётганлигини исбот қилади.

Генерал яқинда Италиянинг «Коррьере делла сера» газетасида босилган суҳбатида хунтанинг бошлиғи Пиночет ўзининг сиёсий мухолифларини гумдон қилишда, жумладан 1976 йилда Чили халқ бирлигининг таниқли арбоби Орландо Летельерни ўлдиришда қатнашганлигини тан олганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Генерал Пиночетнинг сиёсати бу режимни Чилида ва халқаро майдонда якталаб қўйганлигини ҳам эътироф этди.

Бу гапдан Густаво Ли Гусман виждон азобини чекди. деган маъно асло келиб чиқмайди. У хунтанинг бошқа аъзолари билан биргаликда фашистлар тўнтаришида актив қатнашган эди. Ана шу тўнтариш натижасида халқ бирлиги конституцион ҳукумати ағдариб ташланди ва президент С. Альенде ёвузларча ўлдирилди. Гусман Чили ватанпарварларини кўплаб қатл этишда ҳам фаол қатнашди. Ана шу ўтакетган реакционер хунта томонидан қилинган қонли жиноятлардан ўзини четга тортишга уринмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонининг бутун тараққиятпарвар жамоатчилиги ана шу жиноятларни қатъиян қораламоқда.

Матбуот хабарларига кўра, Гусманнинг мақсади — Пиночетни сиёсий соҳасидан суриб чиқаришдир. Аммо у Чилида фашист режимини сақлаб қолиш ниятиладир.

Кенг халқ оммасининг репрессия ва бебошликка қарши, демократик эркинлик ва граждан ҳуқуқларини тиклаш учун, Чилидаги барча сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун кураши тобора кучаётган бир пайтда хунта ичида жанжал содир бўлди.

ДЕҲҚОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ҚОБУЛ. Қишлоқ хўжалигини ижобатлаштириш Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг асосий вазифаларидан биридир. Революцион ҳокимият деб хабар берди Қобул радиоси, бу вазифани амалга оширишга киришди.

Афғонистон Демократик Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банки, дейилади хабарда, деҳқонларга енгил шартлар билан трактор, сеялкалар бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналар бериш тўғрисида қарор қабул қилди.



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Мана бу қизларга Шецинднги «Дана» фабрикасида ип-газламалардан тикилаётган ёзлик кўйлаклар маъқул бўлмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ТОШҚИНЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимолий ва шарқий районларида катта тошқин бўлди. Жала ёмғирларини келтирган мавсумий муссонлар табиий офатга сабаб бўлди. Ўзлаб кишилар нобуд бўлди, миллион-миллион кишилар бошпанасиз қолди. Катта-катта территориялардаги экинлар пайҳон бўлди.

Ҳиндистон мустақиллиги йилларида тошқинларга қарши курашиш учун 10 минг километрдан ошиқ каналлар. иҳота дамбалари ва тўғонлар қурилди, неча ўн минг кишилоқлар тепалик жойларга кўчириб ўтказилди. Бу ерда чиқадиган эътиборли «Индиан экспресс» газетасининг таъкидлашича, ана шу тадбирлар ҳеч етарли эмас. Бутун мамлакат миқёсида сув ресурсларини бошқариш бораснда илмий асосланган планни тузиш зарур. бу план қишлоқ хўжалиги, саноат, кема қатнови, электр энергия ҳосил қилишни кўпайтириш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза этиш манфаатларини назарда тутиши керак. Тошқинларни назорат қилиб туриш шу планнинг таркибий қисми бўлиб қолиши шарт.

АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ

«Минск, сенинг жасоратинг сўнмайди!» деб аталган брошюра босмадан чиқди. Китобчага КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1978 йил 25 июнда Минск шаҳрига Ленин орденн ва «Олтин Юлдуз» медалини топширишга бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун шу қаҳрамон шаҳарга келганлиги тўғрисидаги материаллар киритилган.

Брошюрани сиёсий адабиёт нашриёти чоп қилган.

(ТАСС).

Л. Н. ТОЛСТОЙГА БАҒИШЛАНАДИ

Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм область кутубхонасида Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, бу бўлимларнинг ҳар бири айрим мавзуга бағишланган. Кўргазма «В. И. Ленин Толстой тўғрисида» деган бўлими билан очилади. Бу ерда Владимир Ильичнинг улуғ ёзувчи тўғрисида ёзган ҳамда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган мақолалари бор. Экспозицияда улуғ рус ёзувчисининг ҳаёти ва фаолияти кенг акс эттирилган.

(ЎзТАГ).



ҲАЖВИЯ

Оламда нима кўп. хабар кўп. Қувончли хабар яллиғ сомсадек ёқса. нохуши апредда ёққан лайлак қордек кўнгилни чўктириб юборади.

Мактабга комиссия келармиш деган хабар дотерейга «Москвич—412» чиққандек бир зумда тарқалди. Бошқа ўқитувчиларни билмади-ку лекин бу хабар адабиёт муаллимаси Ғафур Норқўзиевга ёқиқирамади.

— Во ажаб? Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Бундай ёзилиб. бемалол ишлашингга кўйишмайди. Текширтекширр. Кимга керак бу ортиқча дахмаза-лар. Майли текширишсин. беш ойда бир йилда бир. Қаршилик йўқ. Тунов кафта келган эди-я. Тағин келиб келиб шу пайтда-я. Чоракнинг охири бўлса.

Ғафур Норқўзиев баттар тутоқди: кошки бу ўқувчилар бурро-бурро жавоб беришса, Бир саволга жавоб олгунчага кун бўйи жазирамада кетмон чопган деҳқондек чарчаб. дастрўмолинг қора кўмирга айланади-қўяди. Тағин худди билгандек 8-«б» синфда дарс бўладиган кунн келармиш. Нима бўлса бўлди. Бир амаллаб 45 минут ўтар.

Ғафур Норқўзиевнинг калласига ялт этиб бир фикр келди. шекилли. 8-«б» синф томон югурди.

— Салом, болалар.

— Салом.— чуғурлашди ўқувчилар.

— Хўш. биласизларми, нима гап?

Бувисидан эртак эшитаётган набирадай ўқувчилар Ғафур Норқўзиевга тикилишди.

— Эртага мактабга комиссия келади.

— Комиссия... Вуй, вуй. — чуғурлашди болалар.

— Ҳа, яхшилаб тайёрланиш керак. Ҳм... Ўтган дарсда нима ўтилган эди?

— Ҳамзанинг «Бурунги сайловлар» драмаси. — қичқиришди ҳар тарафдан ўқувчилар.

— Ҳм... яхши. Демак ўтган темани яна қайтарамиз. «Такрорлаш — билимнинг энаси».

— Сен Эшпўлатип — нутқинг дуруст. Мирза монологини сув қилиб ёлла. Мана бундай қилиб айтасан. — Норқўзиев икки қўлини ҳавода муаллақ тутганча «рол»га кирди.

... Оҳ, шўринг қурсин, фуқаро! Биласизми бир мингбошини сайлаш учун кандай ишлар кетяпти...

Норқўзиев «қойилми», дегандек ўқувчиларга кўз югуртирди

— Сенга Шоиноятова, Қодирқул образи. Қодирқулни бопласт танкид қил. Аъра-астарини ағдариб ташла. Фақат ўз сўзинг билан тушунтир. Китобдаги гапларни қоч. Фикрингни ўзинг якунлайман.

— Ҳой Муҳаммадиеп. сен нега орқада пусиб ўтирибсан. Қаддингни кўтар. Сен боладa ҳам озгина талантдан бор. Сенга Ҳасан эллиқбоши образи. Шоиноятова Қодирқулни гапирганда қулогинг локатор бўлиб турсин. Унинг фикрига ёндошиб. эллиқбошининг киридикорларини очиб ташла! Орачора унинг сўзидан ҳам келтириб гур

Лекин дарс бошлангандан ҳаммаларинг қўл кўтариб ўтиринглар. Комиссия болалар дарсга актив қатнашар экан деб ёйласин. Ҳўпми? Мен бир журналга бир синфга қараган бўлиб, доскага навбат билан Муҳаммадиев, Шоиноятова, Эшпўлатипларни чақираман. Сизларга жавоб, яхши тайёрланинглар. Болалар эшикка ўзларини уришди...

Эртаси кун Норқўзиевнинг дарсига комиссия аъзоларидан бир йўла тўртгаси кириб қолса бўладими? Норқўзиевнинг кўзи жойидан чиқиб кетаёзди. Капалаги учиб кетди. Лекин Норқўзиев сир бой бермади.

— Кани болалар уйга қандай вазифа берилган эди?

Ҳамма бирдан қўлини кўтарди. Норқўзиевнинг юзига табассум югурди. Ғафур Норқўзиев лабидаги табассумни йиғиштиролмай олдинги партада ўтирган қизга юзланди.

— Кани Мўминова. сен айта қол?

Сочларига лента таққиб олган жажжигина қиз сакраб ўрнидан турди. Комиссиянинг салобати босди шекилли бир лаҳза қизнинг қолди. сўнг гапиришга чоғланди.

— Уйда Ҳамзанинг «Бурунги сайловлар» драмасини ўқиб такрорлаш ҳамда Мирза монологини Эшпўлатовга. Қодирқул образини Шоиноятовага. Ҳасан эллиқбоши образини Муҳаммадиевга комиссия келганда анализ қилиб айтиб беришни топширган эдингиз...

У қиз гапини муҳтасар қилмай синфда «гурр» этиб кулги кўтарилди. Икки бети шолғомдек қизарган Норқўзиев жонсарак бир Мўминовага бир комиссия аъзоларига қарарди. Дарснинг қандай ўтгани беш қўлдай маълум. Бир амаллаб 45 минут тугаб қўнғироқ ҳам жиринглади. Комиссия аъзолари ўрнидан кўзғалишди. Улардан бири доска ёнида ҳайкалдек қотган Ғафур Норқўзиевга қараб жилмайди Бу жилмайишдан «Оҳ шўринг қурсин. муаллим» деган маънони англаш мумкин эди.

Тўйчи ДУСТМАТОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент оқшоми

27 ИЮЛЬ, 1978 й.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузур-техника таълими Давлат комитетининг

«ИНТУРИСТ» АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ БАЗАСИДАГИ

129-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл пазандачилигини билган ҳолда). **Ўқиш муддати —2—3 йил;** ОФИЦИАНТ (чет тилини билиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. **Ўқиш муддати— 2 йил;** ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати 1 йил;** САНОАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати—1—3 йил, 8—10-синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади;** СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МЕХАНИГИ. **Ўқиш муддати — 1 йил. 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади.**

Ўрта маълумотдаги ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар бепул овқат, устки кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 30 процента билан таъминланади.

Билим юртини гамомлагач, савдо министрлиги ва Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидаги «Интурист» корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртини тугатгач, уларга ўрта маълумот ҳақида аттестат топширилади.

Машғулотлар — зарур кўргазма қуроллари билан жиҳозланган кабинетларда ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртида 8 та спорт секцияси ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга киручилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Юнусобод» массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй, (51-автобусининг «Билим юрти» бекати, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Универсам» бекати).

СЕВГАН КАСБИНГНИ ТАНЛА

МАКТАБ ҲАМ ТУГАДИ. СЕН МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА ТУРИБСАН.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН? — бу жиддий савол. Ахир, сенинг келажагинг тўғри касб танлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар сен ўз севган касбингни топа олсанг — бу сен учун ҳам илломланиш, ҳам қувонч, ҳам ижод манбаидир.

МАХСУС БИЛИМ ОЛИШ, ТАЖРИБА ВА ЗАРУР МАЛАКА ОШИРИШДА СИЗЛАРГА

39-«ФЕРУЗА» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЁРДАМ БЕРАДИ



Мактабдаги 6 ойлик ўқув даврида Сиз озиқ-овқат товарлари сотувчиси касбини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Мактаб-магазин — бу савдо корхонаси бўлиб, у ерда билим меҳнат билан ҳамоҳангдир. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдо хизмати, савдони ташкил этиш, савдо эстетикаси ва психология, совет ҳуқуқлари асослари юзасидан лекциялар ўқийдилар.

Мактаб-магазинидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига киради.

«Феруза» мактаб-магазини ҳали жуда ёш.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. ЛЕКИН УЛАРНИНГ ТОШКЕНТДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАДА БЎЛИШЛАРИ ШАРТ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6Х9 см. ҳажмида).

Ўқувчилар 63 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Мактаб-магазинини тугатганлар пойтахтимиздаги Киров район озиқ-овқат магазинларига ишга юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР —1 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Толстой кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (56, 88-автобусларнинг «Марказ—5» квартали» бекати). Телефонлар 33-07-58, 33-95-24.

КИРОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1978— 79 ўқув йили учун қуруқлик гидрогеологияси, метеорология, агрометеорология, агрометеорология ихтисослари бўйича кундузги бўлимнинг 1 ва 2 курсига, сиртқи бўлимнинг 1- ва 3-курсларига; гидрометеорологик радиолокацион қурилмалар (радиотехник-аэролог) ихтисоси бўйича кундузги бўлимнинг 1 ва 2 курсига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрометеорология, гидрология, метеорология группаси ўқувчиларига ҳар ойда 30 сўмдан, раднотехник-аэролог группаси ўқувчиларига эса ойига 45 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 3. Қобулов кўчаси, 45-уй (10, 14, 56-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбуслар, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефон: 48-07-21.

«Узпромвентиляция» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

вентиляция системаларининг монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар ва вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17 ярим ёшдан 40 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, трестнинг кадрлар бўлими.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг «КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ДЕПОСИ троллейбус ва трамвай ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

ДОИМИЙ КУРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: трамвай ҳайдовчилари учун 5 ой, троллейбус ҳайдовчилар учун эса 6 ой.

Ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

Шаҳар электр транспорти ходимлари трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар ва формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Елғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй, кадрлар бўлими (13, 22-трамвайлар, 17, 42, 69, 71, 62, 73-автобусларнинг «Красновосточное» депоси» бекати). Телефонлар 62-12-12, 62-12-13.

Тошкент область матлубот жамиятлари союзининг «ТАШГОРКООПТОРГ»И

Тошкент шаҳри ва области аҳолисидан чекланмаган миқдорда картошка, сабзавотлар, полиз экинлари ва меваларни келишилган нархда

СОТИБ ОЛАДИ

Қабул пунктлари Олой ва Октябрь бозорида ва Жомий кўчаси 5-уйда мавжуд.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ СОАТ 8.00 ДАН 19.00 ГАЧА (13.00 дан 15.00 гача танаффус) ИШЛАЙДИ.


Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузур-техника таълими давлат комитетининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли ўқувчилар (уч йил муддатли ўқиш) қуйидаги мутахассисликларни эгаллаб чиқадилар: контрол-ўлчов асбобларн ва автоматика бўйича слесарь, ёритгич, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи, юқори вольтли электр узатиш ҳаво линиялари монтажи



бўйича электромонтёр, подстанциялар ва электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электростанция қозонлари ва турбиналарининг машинисти, кучланишли ускуналар ремонти бўйича слесарь, электрослесарь, автомобиль кранлари машинисти.

Билим юртига 15 ёшга тўлган 8-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал овқат ва қийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар бир йил муддатли ўқиш (техника билим юрти программаси бўйича) қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, юқори вольтли ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, таксимлаш қурилмалари ремонти бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар бир йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР АТТЕСТАТ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, ҳарбий рўйхатга ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олтита фотосурат (3х4 см.) яшаш жойидан справка ва медицина (286-форма) справкаси.

МАШҒУЛОТ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан «ТашГРЭС»гача 62-автобус билан борилади). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), паркетчи (1 йил), сувоқчи-бўёқчи (1 йил), плитка терувчи (1 йил).

Қурилиш бўёқчиси (ўқиш муддати — 3 йил), пардозловчи-плиткачи (3 йил), қурилиш дурадгори (3 йил), мебелчи дурадгор (3 йил) группаларини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қурилиш объектларида амалий машғулотлар ўтказиладиган пайтларда ўқувчиларга иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган йигит-қизлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқув устахоналари, предмет кабинетлари замонавий техник воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона расм, характеристика, медицина справкаси.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астраханская кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Кўк бозор», 12-трамвай ва 22-автобуснинг «Дегтярёв кўчаси», 9-автобуснинг «Весна» бекатлари). Телефонлар: 91-26-47; 91-29-50; 91-29-40.

КИНО

27 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон** (19.00).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (19, 21.30), «ДРУЖБА» (20.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (17, 19, 21.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.30, 21.00).

Есения — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Ачиган вино — «ХИВА» (20.50, 22.30).

28 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон** (10.45, 13.30, 16.15, 19.00).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14, 16.30, 19, 21.30), «ДРУЖБА» (12, 20.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.30, 15, 17, 19, 21.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (12, 14, 16, 18, 20.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00).

Есения — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Ачиган вино — «ХИВА» (20.50, 22.30).

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 222-мактаб томонидан **Қосимов Баҳодир** номига берилган 283109 номерли йўлланма саккиз йиллик мактабни тугатганлиги тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 14-мактаб томонидан **Мирзабоева Дилфуза Комилжоновна** номига берилган 017890 номерли йўлланма

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ВЕНТИЛЯЦИЯ БЎЮМЛАРИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИГА

слесарь-вентиляциячилар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсозлар, ҳамма разрядаги созловчилар, токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, электр пайвандчилар

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ—ИШБАЙ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 23-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, монтажчилар, электр пайвандчилар, бетончилар

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Квартира навбати билан берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг трамвай-троллейбус бошқармаси

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрландиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқитиладиганлар учун ўқиш муддати — 6 ой. Стипендия ҳар ойда 60 сум.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиладиганлар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга 50 процент арзон нархда форма кийими, трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқи, елғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 4-уй (9, 11-трамвайлар, 6, 9, 11, 16-троллейбусларнинг «Пионерская кўчаси» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 Ешлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали олдидан. Гаванадан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 19.20 «Ҳаммамиз — аҳил оиламиз». Мусиқали программа. 19.55 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Смоленск областидаги «Красный доброволец» колхозининг раиси Ф. С. Васильев сўзи. 20.05 «Ўйин қоидаси». Телевизион спектакль премьераси. Автор — А. Красильщиков. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Музика ва замонавийлик». Программада П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс жюриси аъзолари ва фахрий меҳмонлари иштирок этадилар. Кўрсатувни композитор Т. Н. Хренников олиб боради. 23.25 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Биз танлаётган йўллар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Халқ контроли экрани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр» почтаси» 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Республикада хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов ва «Баҳор» ансамблининг солисти Ўғилой Солиҳова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Чўзилган иш». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

28 ИЮЛЬ ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Мардлик сабоғи». Киевдан олиб кўрсатилади. 10.40 А. Красильщиков. «Ўйин қоидаси». Телевизион спектакль. 12.00 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс лауреатларининг концерти. 15.00 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. «Мен — Қорадентизчиман». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.25 «Шахмат» мактаби». «Шахмат тарихидан». 4-кўрсатув. 15.55 «Халқ оҳанглари». 16.10 «Москва ва москвaликлар». 16.40 «Кўр музикачи». Бадиий фильм. 18.00 «Гавана меҳмонларни кутиб олмоқда». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ» ноталар». 19.00 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни спесиал шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 19.45 РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. «Ғолиблар авлоди». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.20 «Бирючий оролининг эртаги». Илмий-оммабоп фильм. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 12.05 «Малишок» программаси. 12.30 «Буэнос Компаньеро». Телевизион ҳужжатли фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.25 «Жанговар постда», «Галлани автомобилда ташишда юбугарчиликнинг олдини олайлик». 18.45 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва обод лаштириш бўйича кўрик-конкурси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тожикистон телевидениеси ва радиосининг солистлари А. Хошимов ва А. Солиев ижро этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвадор» программаси. 22.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Оловдан ўтиб бўлмайди». Бадиий фильм (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

СЕҲРГАР ҚОРБОБО

Бу «САМАРҚАНД» ва «ПАМИР» холодильникларидир. Шкаф шаклидаги бу музхоналарда озиқ-овқатлар, сабзавотлар, мевалар, муздек ичимликлар, компоглар, шарбатлар бузилмаган ҳолда доимо янгидек сақланади. Бундан ташқари коктейль, лимонад, шампань ичимликларига солиб ичиладиган муз ҳамиша тайёр туради.

«САМАРҚАНД» холодильниги энг қулай ошхона шкафи бўлиб, унда барча нозу-неъматлар учун ажратилган махсус бўлмачалар бор. Холодильник камерасининг сиғими 180 ва 240 литрдан иборат бўлиб, унинг бундай қуввати ҳар бир уй бекасига 1—2 ҳафта давомида нозу-неъматларни жамғариб қўйиш имконини беради. Холодильникнинг паст температурали музлатиш бўлмачаси гўшт ва балиқ маҳсулотларини 4 ҳафта муддат ичида сақлаш имконини беради. Холодильникдан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида унинг пастига оёқ билан босиладиган педаль ўрнатилган. Агарда иккала қўлингиз банд бўлиб, педални оҳиста боссангиз, холодильникнинг эшиги ўз-ўзидан очилади. Музлатиш камерасига лампочка ўрнатилган бўлиб, эшик очилаётганда ва ёпилаётганда автоматик равишда ёнади ва ўчади. **«САМАРҚАНД» холодильнигининг оғирлиги 70 килограмм бўлиб, атрофдаги ҳаво ҳарорати 32 даражадан иссиқ бўлган пайтда бир сутканинг ўзида икки киловатт атрофида электр қувватини сарфлайди.**



Кичик оилалар учун «ПАМИР» холодильнигини сотиб олишингизни маслаҳат берамиз.

Унинг музлатиш камераси 164 литрдан иборат бўлиб, оғирлиги 65 килограмм, бир суткада 1,65 киловаттдан кўп электр қувватини сарф қилмайди. Баҳоси — 225 сўм.

Яқинда «ПАМИР» холодильникларнинг оиласи «ПАМИР—4» маркали янги модель билан бойиди. У ўзининг аввалги ўтмишдошларидан ички безалиши билан фарқ қилади. Ички шкафининг янги конструкцияси ва қўшимча пазалар токчаларни кенгайтириш ва музлатиш камерасидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Кўркам ва ихчам ишланган «САМАРҚАНД» ва «ПАМИР» холодильникларни ошхонангизда озгина ўринни эгаллайди ва файз киритади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узхозторг» республика улгуржи савдо базасида кенг кўламда холодильниклар мавжуд.

«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«Узколхозстрой» бирлашмасининг 2-«Узколхозспецстрой» трести коллективи бош механика бўлимининг катта инженери Т. Қурбоновга отаси

Қурбон ЭРГАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трести коллективи трест қурилиш лабораториясининг бошлиғи Ҳ. Г. Ҳусайновага онаси

Фотима Сулаймоновна ҲУСАЙНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институти коллективи катта илмий ходим, иқтисод фанлари кандидати М. М. Маъруповга отаси

Мирасқар МАЪРУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

27 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000: ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маориф ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарвардлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42.

Р. 13072. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1365.